
Юртимиз тинчлиги ва ободлигига шукурлар айтилди

Маҳаллада ҳамжиҳатлик, бирдамлик бўлса, ҳар бир иш ўз вақтида нурунийлар бошчилигида аъло даражада ташкилланади. Совурбулоқликлар ҳам ободонлаштириш ва ҳашар ишларида жуда фаол бўлишди. Маҳаллада ҳашар уюштирилди. Кўчалар тозаланди, дарахтларга шакл берилиб оқланди.

Тадбир сўнгида дастурхон ёзилиб, баҳорий таомлар тортилди. Фасллар келинчаги бўлган баҳорга эсон-омон келинганлиги, юртимизнинг тинчлиги ва ободлигига шукурлар айтилиб, дуолар қилинди.

2023-03-06 15:53:30